

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРХЎЖАЕВ САРДОР ҚОДИРЖОН ЎҒЛИ**

**ЕМИРУВЧИ МУҲИТ ТАЪСИРИДА РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ  
ЭРИТИШ ПЕЧЛАРИНИНГ ЎТГА ЧИДАМЛИ ҒИШТЛАРИНИ  
ЕМИРИЛИШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,  
нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов  
бериш йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the abstract of dissertation of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Носирхўжаев Сардор Қодиржон ўғли**

Емирувчи муҳит таъсирида рангли металлургия эритиш печларининг ўтга  
чидамли ғишларини емирилишдан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб  
чиқиш.....3

**Носирхўжаев Сардор Қодиржон угли**

Разработка технология защиты огнеупорной кладки плавильных печей  
цветной металлургии от разрушения при воздействии агрессивной среды...21

**Nosirkhujaev Sardor Kodirjon ugli**

Development of technology for the protection of refractory masonry of  
smelting furnaces of non-ferrous metallurgy against destruction when exposed  
to aggressive medium.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**НОСИРХЎЖАЕВ САРДОР ҚОДИРЖОН ЎҒЛИ**

**ЕМИРУВЧИ МУҲИТ ТАЪСИРИДА РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ  
ЭРИТИШ ПЕЧЛАРИНИНГ ЎТГА ЧИДАМЛИ ҒИШТЛАРИНИ  
ЕМИРИЛИШДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қуймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,  
нодир ва радиоактив элементлар технологияси (қуймачилик ва металларга ишлов  
бериш йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Т1954 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасининг ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Маткаримов Соҳибжон Турдалиевич**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Расмий оппонентлар:** **Норхуджаев Файзулла Рамазанович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Воҳидов Баҳриддин Раҳмидинович**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_09\_»\_апрель\_\_\_соат\_11<sup>00</sup>\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871) 277-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_249\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тел/факс.: (99871)277-10-32).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_26\_»\_март\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_26\_»\_март\_\_\_даги №\_138\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**К.А. Каримов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ш.Б. Ташбулатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, техника фанлари  
бўйича фалсафа доктори, PhD

**Н.Д. Тураходжаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д. профессор

## **КИРИШ (Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда замонавий металлургиянинг энг долзарб муаммоларидан бири металл эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларнинг термик хоссаларини ошириш, яроқлилик даврини узайтириш ҳамда таннарҳини пасайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунга қадар кўп компонентли бирикмалар асосида тайёрланадиган ўтга чидамли материалларнинг, жумладан ўтга чидамли ғиштларнинг ўрнини босувчи махсулот яратилмаганлиги ҳамда металлургик печлар деворлари анъанавий усулда қурилишини инобатга олганда ушбу технологияни тадбиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада ривожланган мамлакатлар, жумладан Россия, АҚШ, Япония, Германия, Австралия, Канада, Хитой, Туркия ва бошқа мамлакатларнинг илмий-тадқиқот марказларида металл эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишдан ҳимоя қилишга ҳамда яроқлилик даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда рангли металлургия саноатида қўлланиладиган ўтга чидамли ғиштларнинг янги турлари яратилиши билан бир қаторда уларни емирилишдан ҳимоя қилиш борасида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан ўтга чидамли материалларни юқори ҳароратда ҳосил бўлган эритмалар таъсиридан ҳимоя қилиш, унинг таркибини қўшимча компонентлар билан бойитиш, печ девори орасида совутиш тизимини жадаллаштири ҳамда ўтга чидамли материалларни бевосита эритма билан таъсирлашадиган қисмини махсус қатлам билан ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли емирувчи муҳит таъсирида рангли металлургия эритиш печларининг ўтга чидамли ғиштларини емирилишдан ҳимоя қилиш технологиясини ишлаб чиқиш зарур ҳисобланади.

Республикамизда рангли металлургия саноати металл эритиш печлари учун импорт ўрнини босувчи ўтга чидамли ғишлар ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, печларда қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишини олдини олиш орқали иш унумдорлигини ошириш ва жараёнда мия ва нодир металлларни исрофини олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ 5159-сонли “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, жумладан “...«хом ашёдан тайёр махсулотгача» бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган иктисодиётнинг драйвери сифатида республикада мис махсулоти ва у билан боғлиқ соҳаларда юқори қўшилган қийматли тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-технологик кластерни ташкил этиш, мис саноати кластери учун зарур бўлган кон-металлургия машиналари, техникалари, асбоб-ускуналар, хом ашёни чуқур қайта ишлаш, кимёвий махсулотларнинг янги турларини ишлаб

чиқаришни кенгайтириш ва ўзлаштириш, маҳаллий ихтисослашган ташкилотлар билан кооперация ва аутсорсинг асосида хизмат кўрсатиш турларини ривожлантириш<sup>1</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, ранги металлургия эритиш печларининг ўтга чидамли материалларини емирилишдан ҳимоя қилиш технологиясини жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ 5159-сонли “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон қарори, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишлариги мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё олимлари томонидан ўтга чидамли материалларни хоссаларини ошириш, янги таркибини ишлаб чиқиш ҳамда емирилишдан ҳимоя қилиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб боришган. Дунёнинг етакчи олимлари, жумладан, Г.Д.Гилкрест, С. Б.Лион, К.Ли, П.Шеллер, П.Ҳабибуллаҳ, К.Брайант, Ч.Шахт, Ф.Х.Нортон, А.Аллаби, Г.Хуажи, К.Цзяньи, К.Гото, С.Ханагыри, К.Кохно, Т.Мацуи, Т.Икемото, Д.Амосс, Д.Цаконитис, С.Янссон, В.Браби, П.Йёнссон, Дж.Шиллито ва бошқаларнинг ишлари кўриб чиқилган. Бу илмий-тадқиқот ишларида ўтга чидамли материалларнинг хусусиятлари, жумладан, механик мустаҳкамлигини кўтариш, ғоваклилик даражасини оптималлаштириш ҳамда хизмат қилиш кўрсаткичини ошириш бўйича тадқиқот ишлари олиб боришган.

Рангли металлургияда қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни физик-кимёвий хоссаларини ошириш, механик мустаҳкамлигига эриши ва емирилишидан ҳимоя қилиш бўйича бир қатор олимлар, жумладан Э.Заболоцкий, У.Марк, Д.Шмидтмайер, Г.Бюхель, А.Бюр, В.Резенде, Р.Столль, С.Юстус, Р.Андрате, Э.Лонго, Ж.Бальдо, Э.Лейте, С.Паскоцимас, Л.Соледаде, Дж.Гомеш, Дж. Варела, О.Власов, В.Словиковский, М.Шеррстобитова, А.Ролдугин ва бошқалар ўрганган. Шунингдек, мис металлургияси саноатида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишга қарши ҳимоясини ошириш бўйича ўзбек олимлари, жумладан,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ 5159-сонли «Тоғ-кон металлургия саноати ва унга турдош тармоқларни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

А.Юсупходжаев, А.Хасанов, Х.Валиев ва бошқалар бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари ўрганилганда рангли металлургияда қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишдан химоя қилишда самарали технология ишлаб чиқарилмаганлиги аниқланди. Шу сабадан рангли металлургияда қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни юзасига химоя қатлами суриб, унга электр токи таъсирлаштириш орқали унинг емирилишида химоя қилиш технологияси яратиш учун тадқиқотлар ўтказиш зарур.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган ишлаб чиқариш корхонаси илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №02-4297 юр х/д 10/10 «Металлургик эритиш печларнинг ўтга чидамли материалларини бузилишдан химоя қилишнинг эффектив технологиясини ишлаб чиқиш» (2010-2012) мавзусидаги лойиҳа ҳамда «Металлургия» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан куннинг иккинчи ярмида бажариладиган «Иккиламчи техноген чиқиндилар ва маҳаллий минерал хомашёларни қайт ишлашнинг ресурс ва энергиятежамкор технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади:** рангли металлургия печларининг футеровкасида ишлатиладиган ўтга чидамли материалларни химоя қилиш орқали мис ва нодир металлар исрофини камайтириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

металлургия печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни физик-кимёвий ҳоссаларини тадқиқ қилиш;

шлак ва штейн эритмаларнинг металлургия печларининг ўтга чидамли материаллари билан ўзаро таъсирини ўрганиш;

металлургик печда эритилган материалларнинг молекуляр, ион тузилишини, хусусиятларини ўрганиш ва қаттиқ жисмларда диффузия кинетикасини тадқиқ қилиш;

эритилган материаллар ионларининг металлургик печларининг ўтга чидамли деворлари билан ўзаро таъсирини олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш;

мис эритиш заводида металлургия печларида ўтга чидамли материалларни химоя қилишнинг самарали технологиясини жорий этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материаллар, мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлак ва штейнлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида мис эритиш печларининг футеровкаларига магнит асосли қоплама суриш ва унга ишлов бериш технологияси олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида рангли металлургия печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишдан химоя қилиш учун магнетит асосли қоплама суриш ҳамда унга электр токи бериш технологиясини тадқиқ этишнинг назарий ва экспериментал усуллари, физик-механик, кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари (ИР спектроскопияси, электрон микроскоп, ренгенография ва дифференциаль-термик таҳлил), ғоваклик даражасини аниқлаш ҳамда электр ўтказувчанлиги аниқлаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли ғиштларнинг юзасига шлак ва штейнлардаги металл ва металл ионларининг ўзаро таъсирлашиш жараённинг технологик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

эритиш печларининг эритма билан бевосита таъсирлашадиган қисмига магнетит асосли қатлам суриш орқали унинг юзасида кечадиган механик ва электрокимёвий жараёнларнинг оптимал технологик кўрсаткичлари аниқланган;

эритиш печларининг ўтга чидамли материаллар юзасига бевосита мусбат зарядли электр токини таъсирлаштириш орқали эритмадаги ион ҳолатидаги металл ҳамда кремний асосли бирикмаларнинг ўзаро таъсирлашиш кўрсаткичлари аниқланган;

ўтга чидамли материалларни емирилишидан химоя қилишнинг электростатистик усул ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

рангли металлургия эритиш печларида ўтга чидамли ғиштларнинг эритма билан бевосита таъсирлашадиган қисмини емирилишдан химоя қилиш технологияси ишлаб чиқилган;

рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларнинг емирилишга қарши хоссаларини оширишда унинг юзасига 30-50 мм оралиғидаги магнетит асосли қоплама суриш технологияси ишлаб чиқилган;

ўтга чидамли ғиштларнинг юзасига суртилган магнетит асосли қопламага электр токи таъсирлаштириш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги аниқ қўйилган вазифа асосида ўтга чидамли материалларни емирилишга қарши технологиянинг физик-электрокимёвий ва технологик хоссаларини ўрганишда замонавий электрон микроскоп, ренгенография ва дифференциал-термик таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган натижалар билан таққослаш орқали изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтга чидамли материалларнинг емирилишига қарши сурилган магнетит асосли қопламага мусбат зарядли электр токи таъсирлаштирилганда эритмадаги металл ионларнинг қайтариши ва кремний асосли бирикмаларнинг қоплама юзасига бирикиб, унинг мустаҳкамлигини ошириши билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материаллари юзасига магнетит қоплама суриш орқали унинг емирилишига қарши хоссасини ошириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Емирувчи муҳит таъсирида рангли металлургия эритиш печларининг ўтга чидамли ғиштларини емирилишдан ҳимоя қилиш технологияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мис эритиш печларининг ўтга чидамли ғиштларини эритма билан таъсирлашадиган қисмига магнетит асосли ҳимоя қатлами (гарнисаж) суриш технологияси “ОКМК” АЖ га жорий этилди (“ОКМК” АЖ нинг 15 июль 2021 йилдаги № ХА-006061 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1200-1250 °С ҳароратда ўтга чидамли ғиштларга шлакнинг сингиш даражаси 48 % гача ҳамда штейннинг ғишга сингиш даражаси 69% гача камайтирилган;

ўтга чидамли ғишт юзасига суртилган магнетит қатламига мусбат электр заряди бериш технологияси “ОКМК” АЖ га жорий этилди (“ОКМК” АЖ нинг 15 июль 2021 йилдаги № ХА-006061 сонли маълумотномаси). Жорий этиш натижасида 1200-1250<sup>0</sup>С ҳароратда эритма таркибидаги қимматбаҳо металл катионлари гарнисаждан итарилиб, манфий зарядланган кремний-кислородли комплекслар тортилиб гарнисаж мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилди. Эритманинг ўтга чидамли ғишт юзасига сингиш даражаси шлак 1,3 мм, штейн 1,9 мм.ни ташкил этди. Бу билан ўтга чидамли ғиштларнинг хизмат қилиш даври 73% ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари учун асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан 2 таси Республика ва 5таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Рангли металлургия эритиш печларидаги ўтга чидамли материалларни емирилишдан химоя қилишнинг замонавий аҳволи ва истиқболлари»** деб номланган биринчи бобида рангли металлургияда қўлланиладиган эритиш печларининг ўтга чидамли материалларини ташқи муҳит таъсирида емирилишдан химоя қилишнингнинг замонавий аҳволи таҳлил келтирилган.

Чет эл ҳамда республикаимиз олимларининг металлургик эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларга эритманинг бевосита таъсири, емирилишига сабаб бўлувчи омиллар ҳамда ўтга чидамли материалларнинг емирилишини олдини олиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлар ишлари кўриб чиқилди.

Ушбу диссертацияда келтирилган усуллар, яъни, рангли металлургия эритиш печларидаги ўтга чидамли материалларни емирилишдан химоя қилишда унинг юзасига магнетит асосли қатлам суриш ҳамда электр мусбат заряд бериш технологияси керакли даражада ўрганилмаганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектини танлаш ва ўтга чидамли материалларнинг асосий хоссаларини тадқиқ этишнинг методикаси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш, қўлланиладиган маҳсулотларнинг асосий физикавий ва кимёвий хоссаларини ёритиб бериш ҳамда физик-механик, кимёвий ва физикавий хоссаларинини ўрганишда замонавий усул ва дастгоҳлардан (ИК-спектроскопия, электрон микроскоп, гидростатик усул, варентгено-флуоресцент усул) фойдаланилганлик ҳақида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материаллар, мис эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлак ва штейнлар танланган.

Тадқиқот методи сифатида ўтга чидамли материалларнинг оловбардошлиги, ғоваклиги, иссиққа чидамлиги хоссалари ўрганилган бўлиб, унинг емирилишини олдини олиш технологияси танланган.

Диссертациянинг **«Рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларга эритмаларнинг таъсирини тадқиқ этиш»** деб номланган учинчи боби ўтга чидамли материалларнинг асосий хоссаларини ўрганиш, ғоваклигини аниқлаш, иссиққа чидамлилик хоссасини аниқлаш, эритмадаги шлак ва штейнларнинг ўтга чидамли материаллар юзасидаги капеляр ходисаларини ўрганиш ҳамда шлак ва штейнларнинг ўтга чидамли материалларни емирилишига сабаб бўлувчи омиллари таҳлил қилиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Ўтга чидамли материаллар кўп ҳолларда капилляр-ғовакли жисмлардир. Очик ғоваклик қанчалик катта бўлса, эритма шунчалик кўп сингади, деган нотўғри тушунча мавжуд. Бироқ, сингган эритма миқдори нафақат очик тешиклар ҳажмига, балки уларнинг катталиги ва тузилишига ҳам боғлиқ. Тешиклар цилиндрсимон каналлар бўлганида, эрийдиган ва ўтга чидамли

тешиқлар деворларининг ҳарорати бир хил ва ўзгармас ва каналлар узунлиги бўйлаб бўлса, тешиқлар асл ўлчамлари ва шаклларини ўзгартрмайди. Эритмалар ўтга чидамли материаллар билан ўзаро таъсир қилмайди, ва уларнинг хоссалари ҳам ўзгармас ва ғоваксимон ҳажмига боғлиқ эмас ва эритманинг ҳаракати ламинар. Ўтга чидамли материалларни юзасига сингиш параболик тенглама билан тавсифланади:

$$l^2 = K\tau, \quad (1)$$

бу эрда  $l$  – сингиш чуқурлиги;  $K$  - сингиш константаси;  $\tau$ - вақт.

Тенглама (1) маълум ўлчамдаги ғовақлар учун амал қилади: катта тешиқларда капилляр кучлардан ташқари тортишиш кучлари ҳаракат қилади ва ингичка тешиқларда эритмаларнинг хоссалари ўзгариши мумкин. Бундан ташқари, дастлабки ва охири даврларда сингиш бошқа қонуниятларга бўйсунди, дастлабки даврда у анча юқори бўлади. Тўғри бўлмаган ғовақлар капилляр ғовақли жисмлар учун сингиш константаси формула бўйича ҳисобланади.

$$K = \gamma_2 r \cos \theta / 2,8b^2 \eta l, \quad (2)$$

бу эрда  $\gamma_2$  - эритманинг сирт таранглиги;  $b$ -тортишувчанлик коэффиценти (йирик донали рамкали периклаз массалари учун, 1450 °С да, очик ғовақлиги 34-38%,  $b = 1.6$ , бошқа ҳолларда  $b = \pi / 2$ );  $r$  - ўтказувчан тешиқларнинг радиуси. Эриш тезлиги параболик тенгламанинг дифференциал формуласи билан тавсифланади (3):

$$v = dl/dt = \gamma_2 r \cos \theta / 5,6b^2 \eta l. \quad (3)$$

(3) формуладан кўриниб турибдики, тешиқ ҳажми қанчалик катта бўлса, сингдириш тезлиги шунча катта бўлади.

Амалда, сингиш тезлиги назарийдан анча паст бўлади, бу шлакнинг тешиқ деворлари билан ўзаро таъсири натижасида қовушқоқликнинг ошиши билан изоҳланди. Эритманинг ўтга чидамли материаллар юзасидаги сингиш тезлигига ҳарорат фарқи жуда кучли таъсир қилади. Ҳароратнинг пасайиши билан, айниқса, суюқ чизик яқинида, эритмаларнинг қовишқоқлиги кескин ошади ва уларнинг ҳаракат тезлиги сезиларли даражада пасаяди.

Эритманинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, сингиш тезлиги тенграмаси қуйидаги шаклга эга бўлади:

$$dl/d\tau = \frac{\gamma_2 r \cos \theta}{5.6b^2 \eta} - r^2 g \rho / 8b^2 \eta \quad (4)$$

Эритманинг тортиш кучи сингиш тезлигини пасайтиради. Агар (4) тенгламанинг иккинчи атамаси биринчисидан кам бўлса (масалан, <10%), бу тешиқнинг радиуси критик деб аталса, бу куч таъсирини эътиборсиз қолдириш мумкин.

$$0,7r_{кр}n\rho l/(\gamma_2\cos\theta)\leq 0,1, \text{ каердан } r_{кр} = 0,143\gamma_2\cos\theta/(g\rho l) \quad (5)$$

$l = 1$  см оксид-силикат эритмалари учун, унда  $\gamma = 300 \div 600$  мДж/м<sup>2</sup>,  $\rho = 2,2 \div 4,9$  г/см<sup>3</sup>,  $\theta = 0^\circ$ ,  $r_{кр} \approx 0,1$  мм.

Эритмаларнинг ўтга чидамли материаллар билан ўзаро таъсир механизмини ўрганишда стационар эритиш жараёнининг тезлиги тўйинганлик ҳолатидаги суюқликдаги қаттиқ модданинг концентрацияси ва эритма ҳажмининг молекуляр диффузия содир бўладиган қатлам қалинлиги фарқи билан белгиланади.

$$v = \left(\frac{D}{x}\right)(C_n - C_v), \quad (6)$$

бу эрда  $D$  - диффузия коэффиценти.

$D$  қийматлари қовушқоқлика боғлиқ. Қовушқоқлик камайиши билан  $D$  ҳам камаяди. Шунинг учун қовушқоқлик эритишга энг катта таъсир кўрсатади. Шунинг таъкидлаш керакки, экспериментал маълумотларга кўра, эритманинг қовушқоқлиги 3,5 Па·с дан паст бўлганида, ўтга чидамли материал билан ўзаро таъсир қилади (бу қиймат ёрдамида шлак ва ўтга чидамли материаллар билан таъсирлашиш ҳарорати аниқланади). Умуман олганда, қатлам қалинлиги эритманинг табиатига ва уни аралаштириш шартларига боғлиқ. Эритмада айланадиган диск (намуна) ҳолати учун, намуна бутун юзасига диффузия шароитида тенг кириш мумкин бўлган шароитлар яратилди. Бу ҳолда, кимёвий гидродинамика жараёнида қуйидаги тенглама олинди:

$$x = 1.61(D/v)^{-1/3}\sqrt{l/\omega}, \quad (7)$$

$v$ - кинематик қовушқоқлик;

$\omega$ - намуна айланишининг бурчак тезлиги.

(5) ва (6) тенгламалар Левич тенгламасини беради

$$v = 0.62D^{2/3}v^{1/3}(C_n - C_v)\sqrt{\omega} \quad (8)$$

Ёки диффузия тарқатиш режими учун

$$v \approx K\omega^{0.5}, \quad (9)$$


Цилиндрсимон намуналар эриганида, эритманинг ҳаракатланиш шартлари олдинги ҳолатдан бироз фарқ қилди ва кинетик тенглама (Кинтерига кўра) шакл олди.

$$v = 0.79\left(\frac{D}{d}\right)Re^{0.7}\left(\frac{v}{D}\right)^{0.64}(C_n - C_v), \quad (10)$$

$Re$  - намуна диаметри учун Рейнолдс мезони. Бу ҳолда эритиш тезлиги  $\omega = 0,7$  кучига боғлиқ, яъни.

$$v = K/\omega^{0.7} \quad (11)$$

(10) ёки (11) тенгламаларни қайта ишлаш натижалари ёрдамида ўтга чидамли материалларнинг эриши аниқланди. Ўтга чидамли материалларнинг эриш даражаси аниқлашда қуйидаги лаборатория дастгоҳидан фойдаланилди.



**1-расм. Ўтга чидамли ғишт юзасига эриган шлак ва штейнни диффузиясини аниқлашда қўлланилган лаборатория дастгоҳи: 1-СШОЛ шахтали электропечь; 2-эритма солинган алундли тигел; 3-айланма диск; 4-дискни айлантурувчи вал; 5-электродвигатель; 6-печдаги ҳароратни автоматик бошқарувчи қурилма**


### 1-жадвал

**Ўтга чидамли материалларнинг оксид эритмаларида эриши тезлиги  
мг / (см<sup>2</sup> • с)**

Эритма	кварц	корунд	Магний оксиди эритмаси	Хромомагнезиали шпинель
Темир оксиди (Fe <sup>2+</sup> )	40,0	8,5	9,4	4,4
Фаялит	3,8	0,66	1,3	0,32
Тефроит	2,0	0,33	0,7	0,13
Темир-марганец-силикатли (50%2FeO·SiO <sub>2</sub> +50%2MnO·SiO <sub>2</sub> )	4,3	0,95	2,5	-
Намуналар 1400 °С ва айланиш частотаси 120 мин <sup>-1</sup> да синовдан ўтказилди				

Таърифланган усул билан олинган маълумотлар 1-жадвалда кўрсатилган. Жараённинг тарқалиш хусусиятига кўра, эриш тезлиги эритманинг ёпишқоқлиги билан боғлиқ. Эриш тезлигининг ҳароратга боғлиқлиги 1 –расмда кўрсатилган.

Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, MgO ва хромомагнезитли шпинел учун фаоллашув энергияси тахминан бирхил ва 180,6кЖ / мол, SiO<sub>2</sub>учун 64,3 кЖ/мол. *D* диффузия коэффициентлари, тахминан 1400 °С да тенгламага мувофиқ, 2,9•10<sup>-6</sup> -3,2•10<sup>-5</sup> см<sup>2</sup>/с ва Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> (2,9 • 10<sup>-6</sup>) дан MgO га (9,3•10<sup>-6</sup>см<sup>2</sup>/с) ва ундан кейин SiO<sub>2</sub> га (3.2•10<sup>-5</sup>см<sup>2</sup>/с).



2 -расм. SiO<sub>2</sub> (1) ва Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> (2) намуналарнинг айланиш частотаси фаялитда оксидларининг 1300°С да эриш тезлигига таъсири.

Шу тарика, гидродинамик режимга қараб, ҳар хил ҳароратда эриш тезлигининг қиймати ва жараённинг табиати аниқланди.

Диссертациянинг «Рангли металлургия эритиш печларида қўлланиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишидан химоя қилиш технологиясини тадқиқ этиш»деб номланган тўртинчи бобида ўтга чидамли материаллар юзасига шлакнинг сингиш тезлигига таъсир этивчи омиллар, ўтга чидамли материалларни емирилишдан химоя қилишнинг электростатик усули технологияси ҳамда жараённинг оптимал кўрсаткичлари келтирилган.

Шлак эритмаси билан ўзаро таъсирлашган ўтга чидамли материалларни емирилишининг асосий сабабларидан бири шлакнинг капилляр кириб бориши ҳисобланади, шунинг учун ўтга чидамли материал шлаклар билан сингдиришнинг кинетик қонуниятларини ўрганиш катта қизиқиш уйғотади. Ғовак жисмларни эритмалар билан сингдиришнинг маълум кинетик тенгламалари ғоваклик моделини танлашга боғлиқ. Монодисперли кукунлардан олинган материаллар учун энг мос модел бу намланмаган суюқликнинг ғовак орасига кириш босими билан аниқланадиган, энг тор қисмида радиуси  $r_2$  бўлган бир хил аниқ бўлмаган капиллярлар тўплами. Бундай модел учун, тортишиш майдонининг таъсири бўлмаса, шлакнинг т вақт ичида намуна ичига кириши чуқурлиги  $l$  тенгликдан аниқланади.

$$l^2 = \frac{\sigma \cos \theta r_2}{2,8b^2 \eta} \tau = K\tau, \quad (12)$$

бу ерда  $\sigma$  ва  $\eta$  - мос равишда шлакнинг сирт таранглиги ва қовишқоқлик;

$v$  - сингдирилган материални эритма билан намлаш бурчаги;

$b$  - коэффициент  $\pi/2$ .га яқин ғовакликнинг буришиши.

$K$  аспект нисбати одатда сингдириш тезлиги константаси деб аталади. (12) тенгламага кўра, доимий  $K$  сингдирилган намуналарнинг самарали ғоваклик радиуси  $r_2$  га мутаносиб бўлиши керак, агар сингдириш пайтида 9%

гил қўшилган магнезия кукунидан тайёрланган намуналар учун FeO - SiO<sub>2</sub> тизимини сингиш билан сингдиришни ўрганишда аниқланган  $\sigma$ ,  $\eta$  ва  $\cos\psi$  қийматлари ўзгармас бўлиб қолса. Кейинчалик магнезия намуналарини FeO – SiO<sub>2</sub> – MnO тизимининг ғоваклик билан сингдирилишини ўрганишда, тешик радиуси 13 баробар ошган ҳолда, доимий  $K$  нинг атиги уч баробар кўпайиши қайд этилган. Намуналардаги доимий  $K$  нинг ғовак катталигига мутаносибликдан оғиши, ғоваклик деворларининг эриши билан секин намланиши режимида сингдириш оқими билан изоҳланади. Кўпинча, ўтга чидамли материалларнинг газ ўтказувчанлигини стандарт усул билан аниқлашда, ўртача ғоваклик радиуси  $r$  топилади.  $P$  қийматининг ўтга чидамли  $K$  нинг сингиш тезлигига таъсирини очиш қизиқ кўринади. Монодисперли кукунлардан тайёрланган намуналарда ўртача тешик радиуси  $r$  аниқ капилляр  $r_2$  нинг минимал радиусидан тахминан 1,4 баравар катта; шунинг учун (13) тенглама шакли олади.

$$K = \frac{\sigma \cos \psi r}{2.8 \frac{\pi^2}{4} 1.4 r_1} = \frac{\sigma \cos \psi r}{9.65 \eta}, \quad (13)$$

шундан келиб чиқадики, сингиш тезлиги доимийлиги намуналардаги ўртача ғоваклик радиусига мутаносиб бўлиши керак.

Ишда қуйдаги таркибли шлакдан фойдаланилди: 30,5% SiO<sub>2</sub>; 24% CaO; 5,3% MgO; 12% Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>; 0,5% FeO; 0,5% MnO, шунингдек 0,4% S. шлакни танлаш асосан паст эриш ҳарорати (~ 1100 °C) билан белгиланади. 1300 °C да, вискозиметр билан ўлчанадиган шлакнинг қовишқоқлиги 3,2 пауз, газ пуфагидаги максимал босим билан аниқланган сирт таранглиги 350 ± 20 мЖ/м<sup>2</sup> ни ташкил этди.

## 2-жадвал.

### Магнезит намуналари тузилишининг хусусиятлари ва 1300 °C да шлакга сингиш тезлиги константаси

Намуна нормаси	Донадор таркиб, %, фракции, мм					Очиқ ғоваклиги, %	Ўрта радиус ғовак $P$ , мкм	Сингиш константаси, см <sup>2</sup> /мин		$K_{\text{хисоб}}$
	2 – 0,5	1 – 0,5	0,5 – 0,088	0,088 – 0,06	<0,06			намуна	Формула ёрдамида ҳисобланганда	
1	-	-	-	-	100	4,0	-	0,00	-	-
2	-	-	-	-	100	17,9	2	0,02	0,19	9,5
3	-	-	-	100	-	32,5	10	0,20	0,97	4,8
4	50	-	10	-	40	16,9	15	0,40	1,48	3,7
5	-	-	100	-	-	28,8	20	0,68	1,95	2,9
6	-	100	-	-	-	25,6	44	0,70	4,2	6,0


**Намуналар тузилишининг хусусиятлари ва 1300 °С да шлак билан сингиш тезлиги константаси**

Намуна нормаси	Очиқ ғоваклиги, %	Ғоваклик радиуси, мкм			Сингиш константаси, см <sup>2</sup> /мин		$\frac{K_{\text{ҳисоб}}}{K_{\text{намуна}}}$
		максимал	ўрта	максимал	намуна	Формула бўйича ҳисоби	
1	40	20	12	10	0,30	1,16	3,9
2	49	28	20	17	0,50	1,5	3,9
3	24	32	18	13	0,45	1,75	3,9
4	32	39	28	22	0,70	2,70	3,8
5	42	54	39	33	2,0	3,3	1,65
6	34	70	44	39	2,2	3,8	1,7
7	39	60	46	40	2,0	4,5	2,2
8	32	75	50	41	2,8	4,8	1,7

Экспериментал тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, магнезит намуналарига шлакнинг кириб бориши квадратик парабола тенгламаси  $l^2 = Kt$  билан қониқарли тарзда тасвирланган (3 -расм) ва ғоваклик радиуси  $r$  20 мкм га ошиши билан  $K$  сингдирилиш тезлиги константаси ошган, шундан кейин  $K$  нинг қиймати деярли ўзгармади. Намуналарни сингдириш интенсивлиги бир қатор ҳолатларда квадратик парабола қонунидан сезиларли даражада четга чиқди (4 -расм), бу айниқса кичик ғовакли радиусли намуналар билан ўтказилган тажрибаларда яққол намоён бўлди.  $l^2$ – $t$  координаталаридаги кинетик эгри чизигининг бошланғич қисмининг қиялигидан аниқланган сингиш тезлиги константаси ҳам унинг тешик радиуси ошиши билан ошди (4 -расм). Бундан келиб чиқадики, экспериментал тадқиқотлар сингдириш тезлиги доимийлигининг тешикларнинг ўртача радиусига кутилган мутаносиблигини қўлга киритмаган.  $K = \varphi(r)$  эгри чизиқ  $x$  ўқиға қараб қавариқ, яъни кичик ғовак радиусларида  $K$  нинг экспериментал қийматларининг  $\cos \vartheta = 1$  тенгламаси бўйича ҳисобланганидан оғишлари катта ғовак ўлчамларидаги  $K$  қийматининг оғишларидан ошади (2 ва 3-жадваллар). Истисно фақат 44 мкм бўлган ғовак радиуси бўлган  $MgO$  намуналари билан ўтказилган тажрибалар натижаларидир. Тахминан 2 баробарга тенг бўлган экспериментал ва ҳисобланган қийматлар ўртасидаги тафовутни ҳали ҳам қониқарли деб ҳисоблаш мумкин ва бу қийматларни аниқлашдаги хато,  $\sigma, \eta, r$  ва  $K_{ум}$  Катта тафовутлар, кичик тешикларда топилган, афтидан, сингиш пайтида алоқа



фазаларининг физик хусусиятларининг ўзгариши билан боғлиқ. Кичкина тешик ўлчамига эга бўлган намуна сингдириш тезлигининг кам баҳоланиши намуналардаги доналар сиртининг шлак билан намланишининг ёмонлашиши билан изоҳланмайди, чунки шлак оқими пастроқ бўлганида қирраларнинг бурчаклари бўлиши керак, мувозанат қийматларига яқинроқ бўлсин, яъни нозик танели намуналарда,  $\cos\theta$  кўпол доналарга қараганда бирликка яқинроқ. Кичик ғоваклик намуналарга шлакларнинг кириб келиш тезлигининг секинлашиши, эҳтимол, намуна доналарининг кирувчи шлак оқимларида эриши ва эритманинг қовушқоқлигининг ошиши билан боғлиқдир. Кичкина тешикка эга бўлган ҳолда, масса ўтказишнинг сингдириш тезлигига таъсири катта бўлиши керак, шунинг учун динас намуналари билан ўтказилган тажрибаларда ( $r < 20$  мкм) сингдиришнинг квадратик парабола қонунидан оғиши аниқланди (3-расм).



3 -расм - Динасли намуналарини 1300 °С ҳароратда шлакли намуна сингдиришнинг кинетик эгри чизиклари, ғоваклик радиуси: 1-12 микрон; 2-18 микрон; 3 - 20 микрон; 4 - 28 микрон; 5 - 4 микрон; 6 - 50 микрон


Шундай қилиб, сингдириш пайтида алоқа фазалари орасидаги масса алмашинуви жараённинг боришини мураккаблаштиради ва маълумки кинетик тенгламалар ёрдамида ҳисобланганлардан сингдириш тезлигининг экспериментал қийматларининг сезиларли оғишларига олиб келиши мумкин.

Металлургия эритишнинг суюқ маҳсулотлари ионли диссоциланиш ҳолатида эканлиги ва маълум даражада электролитлар билан солиштириш мумкинлиги аниқланди. Шунинг учун сувли эритмаларга хос бўлган энг муҳим электрохимёвий ҳодисалар шлакли эритмаларга ҳам хосдир. Бу гипотезага кўра, суюқ эриган маҳсулотларнинг ўтга чидамли материаллар тешикларига уларнинг электр ҳимояси пайтида кириб бориши сезиларли даражада камаяди ёки ҳатто тўхтайдди деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу гипотезани синаб кўриш учун биз лаборатория шароитида тайёргарлик реактивлари ва мис ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий маҳсулотлари (штейин, шлак, оқ мат ва хомаки мис эритмалари) бўлган моделда экспериментал тадқиқотлар ўтказдик.

Лаборатория ишлари электролиз ваннаси, электродлар, пўлат тўр ва қувват манбаларидан ташкил топган моделни сошлаш бўйича олиб борилди, уланиш схемаси 6-расмда кўрсатилган. Экспериментал тадқиқотлар учун ўтга чидамли материал яллиғ қайтарувчи, кислород алангали печ ва горизонтал конвертор қопламасида ишлатиладиган ўтга чидамли маҳсулотлардан (металлургия эритиш печларининг ўтга чидамли ғиштлари) намуналар тайёрланди. 1 литр хажмли лаборатория электролиз ваннаси оргстеклодан қилинган. Электродлар: анод-графит, катод графит электродлари бўлиб, улар катталигидаги ўтга чидамли ғиштларга киритилган; узунлиги 8 см, кенлиги 6 см ва қалинлиги 4 см. Ўтга чидамли печнинг ўртасида маълум бир чуқурликдаги тешик очилади, унинг диаметри 10 мм, бу ерда графит электрод ўрнатилган. Ўтга чидамли материал жойлаштирилган сават пўлат тўрдан ясалган ва ташқи қувват манбаига уланган. Тизим асбоблар (вольтметр, амперметр), ток регулятори ва индикаторли чироқ билан жиҳозланган.

Мис ионлари сувли эритмаларда, шунингдек металлургия эритмаларида ўтга чидамли материалларга сингишини ҳисобга олиб, биз биринчи босқичда сувли эритмалар билан тадқиқот ўтказдик.

Тажирибалар қуйидагича давом этди: таркибида 150 г/л мис бўлган олдиндан тайёрланган электролит ( $\text{CuSO}_4$  эритма) электролиз ваннасига қуйилади ва электролизатор ток манбаи ёқилади. Шу билан бирга, индикатор чироғи ёнади, яъни электролиз жараёнининг бошланиши кўрсатилган. Шундай қилиб, ижобий мис ионлари  $\text{Cu}^{2+}$  ўтга чидамли материалларнинг тешиклари орқали катодга қаршиликсиз эркин ҳаракатланади. Агар пўлатли саватга ташқи манбадан мусбат заряд қўлланса, у ҳолда индикатор чироғи ўчади, яъни электролиз жараёни тўхтади.



**6 -расм - Металлургия эритиш печларида ўтга чидамли материалларни электростатик тарзда емирилишдан ҳимоя қилиш учун лаборатория қурилмасининг схемаси: 1 –электролитли ванналар; 2- ўтга чидамли ғишт; 3- графит электрод; 4- зангламайдиган пўлатдан ясалган ҳимоя экран; 5 –  $\text{CuSO}_4$  нинг сувли эритмаси; 6- индикатор нури; 7- доимий оқим манбаи ВК-5; 8- амперметр; 9- реле; 10- аккумулятор токи.**

Физика қонунларига кўра, тармоқдан мусбат зарядлар қайтарилади ва мис ионлари ( $\text{Cu}^{2+}$ ) катод жойлашган ўтга чидамли тешикларга кира олмайди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, электролитдаги мис концентратсиясининг ўзгариши, шунингдек унинг таркибида бошқа ионларнинг мавжудлиги ( $\text{Zn}^{2+}$ ,  $\text{Pb}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{2+}$ ,  $\text{Fe}^{3+}$ ) деярли электролиз жараёнида сезиларли ўзгаришларга олиб келмайди, яъни катионлар намуналарга кирмайди, бу эса ўтга чидамли материалларни йўқ қилишдан химоя қилишнинг тавсия этилган усулининг самарадорлигини кўрсатади.

Иккинчи босқичда мис эритишнинг ҳақиқий суюқ маҳсулотлари билан экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Тажрибалар юқорида тавсифланган усул бўйича ўтказилди. Олдинги тажрибалардан фарқли ўлароқ, ўтга чидамли материаллар намуналарга магнетит асосли гарнисаж қўлланилган ва унга ташқи ток манбаидан мусбат заряд қўлланилган. Намуна, қуйма тигел ичида бўлган ва илгари СШОЛ-1.16/12 лаборатория эритиш печида 1200-1250 °С ҳароратда эритилган мис ишлаб чиқариш суюқ эритиш маҳсулотига (штейн, оқ мат, конвертор шлаки, КФП штейн ва КФП шлак) ботирилган. Тажрибаларнинг давомийлиги 3 соатгача бўлган. Шу билан бирга, синовдан ўтга чидамли намуналарнинг тешикларига суюқ маҳсулотларни сингдириш чуқурлиги ва тезлиги ўрганилди.

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, таклиф қилинаётган электр муҳофазаси мис ионларининг ўтга чидамли материалларнинг тешикларига тарқалишига нисбатан ижобий натижа беради. Масалан, мис эритмасидан мусбат мис ионлари ўтга чидамли материалларнинг электр муҳофазасиз деярли тўлиқ киради ва электр химояси билан бу чуқурлик атиги 4,5мм тенг. Шунингдек, ўтга чидамли материаллардан электр химояланмаган КФП шлаклариди мис ионларининг тешикларга кириши 12 мм, электр химояси билан эса бу чуқурлик 3,6 мм тенг.

Ўтга чидамли намунадаги катионларнинг электростатик итарилишидан ташқари, мусбат заряд бошқа химоя вазифасига эга. Гап шундаки, эритмада мавжуд бўлган манфий зарядланган мураккаб кремний-кислородли комплекслар мис тўрининг мусбат зарядига тортилади. Намунага маҳкам ёпишган ҳолда, бу комплекслар эритилган компонентларнинг ўтга чидамли моддаларга киришига сезиларли даражада тўсқинлик қилади ва натижада химоя экрани мис ва бошқа металлларнинг мусбат ионларининг ўтга чидамли тешикларга чуқур кириб боришига йўл қўймайди.

Шундай қилиб, бу химоя усулидан фойдаланиш ўтга чидамли материалларнинг эрозиясини сезиларли даражада олдини олади. Бу ўтга чидамли материалларнинг хизмат қилиш муддатини узайтиришни таъминлайди. Ўтга чидамли материаллар 1200°С дан юқори ҳароратда электр ўтказувчанлигини ҳисобга олсак, бу мусбат зарядни тўғридан-тўғри бош эритиш печининг қопламасига етказиб беришга имкон беради. Бу технологияни амалда қўллашни анча соддалаштиради.

## ХУЛОСА

1. Рангли металлургия эритиш печларида ўтга чидамли материалларнинг емирилишга чидамлилигига унинг, газ ўтказувчанлиги, ғоваклиги, механик куч, электр ўтказувчанлик, иссиқликка чидамлик каби хусусиятлари таъсир қилиши аниқланган. Бу ўтга чидамли материалларни ишлаб чиқишда зарур бўладиган кимёвий бирикмаларни танлаш имкониятини беради.

2. Эритиш жараёни натижасида ҳосил бўлган шлак ва штейн эритмасининг ўтга чидамли материаллар билан ўзаро таъсири суёқ материалнинг қаттиқ ҳолатга тарқалиш қонунларига асосланиши аниқланди. Бу эритмани ўтга чидамли материалларга сингиш тезлиги ва чуқурлиги унинг ғоваклилигига боғлиги билан баҳолаш имконини беради.

3. 1200 °С дан юқори ҳароратларда ўтга чидамли материаллар электр ўтказувчанлик хоссаси ортиши аниқланди. Бу ҳимоя сифатида ғишт сиртига суриладиган электр ўтказувчанлик хоссаси юқори бўлган магнетит  $Fe_3O_4$  копламасини суришда муҳим аҳамият касб этади.

4. Эриган шлак ва штейн фазадаги  $Cu^{2+}$  мис ионлари ва  $SiO^4$ ,  $(SiO_3)^{2-n}$  силикат ионларининг ўтга чидамли материаллар юзасига берилган электр зарядига (мусбат ва манфий заряд) нисбатан хатти-ҳаракатлари аниқланди. Бу ўтга чидамли материаллар юзасига берилиши лозим бўлган заряд турини аниқлаш имконини беради.

5. Мис эритиш печларининг ўтга чидамли ғиштларини эритма билан таъсирлашадиган қисмига магнетит асосли ҳимоя қатлами (гарнисаж) суриш технологияси ишлаб чиқилган. Бу 1200-1250 °С ҳароратда ўтга чидамли ғиштларга шлакнинг сингиш даражаси 48 % гача ҳамда штейннинг ғиштга сингиш даражаси 69% гача камайтириш имконини беради.

6. Ўтга чидамли ғишт юзасига суртилган магнетит қатламига мусбат электр заряди бериш технологияси ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида 1200-1250 °С ҳароратда эритма таркибидаги қимматбаҳо металл катионлари гарнисаждан итарилиб, манфий зарядланган кремний-кислородли комплекслар тортилиб гарнисаж мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилди. Эритманинг ўтга чидамли ғишт юзасига сингиш даражаси шлак учун 1,3 мм, штейн учун 1,9 мм.ни ташкил этди. Бу ўтга чидамли ғиштларнинг хизмат қилиш даврини 73% оширишга хизмат қилади.

7. Рангли металлургия эритиш печларида ишлатиладиган ўтга чидамли материалларни емирилишдан ҳимоя қилишнинг асосий технологик схемаси ишлаб чиқилган. Бу ўтга чидамли материалларнинг хизмат қилиш муддатини ошириш имкониятини яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.03.04. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕТНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**НОСИРХУЖАЕВ САРДОР КОДИРЖОН УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЯ ЗАЩИТЫ ОГНЕУПОРНОЙ КЛАДКИ  
ПЛАВИЛЬНЫХ ПЕЧЕЙ ЦВЕТНОЙ МЕТАЛЛУРГИИ ОТ  
РАЗРУШЕНИЯ ПРИ ВОЗДЕЙСТВИИ АГРЕССИВНОЙ СРЕДЫ**

**05.02.01. – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.  
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,  
цветных и редких металлов. Технология редких, благородных и радиоактивных  
элементов (по направлению литейного производства и технологии обработки  
металлов)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/Т1954**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб – странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и информационно – образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).ый институт

**Научный руководитель:** **Маткаримов Сохибжон Турдалиевич**  
доктор философии (PhD) по техническим наукам,  
доцент

**Официальные оппоненты:** **Норхуджаев Файзулла Рамазанович**  
доктор технических наук, профессор

**Вохидов Бахриддин Рахмидинович**  
доктор философии (PhD) по техническим наукам,  
доцент

**Ведущая организация:** **Ташкентский химико-технологический институт**

Защита диссертации состоится «\_09\_»\_апрель\_\_\_\_\_2022 г. в \_\_11<sup>00</sup>\_\_ часов на заседании разового Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.03.04 Ташкентского государственного технического университета. (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32; e-mail:[tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного транспортного университета (регистрационный номер-\_249\_). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./факс: (99871) 227-10-32.

Автореферат диссертации разослан «\_26\_»\_март\_\_\_\_\_2022 года.

(протокол реестра №\_138\_\_от\_26 март\_\_\_\_\_2022 года).

**К.А.Каримов**

Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
д.т.н., профессор

**Ш.Б.Ташбулатов**

Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
доктор философии по техническим  
наукам, (PhD)

**Н.Д.Тураходжаев**

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одной из актуальнейших проблем современной металлургии является повышение термических свойств огнеупорных материалов, используемых в металлоплавильных печах, продление срока их службы и снижение себестоимости, которое имеет особое значение. Учитывая тот факт, что на сегодняшний день не было создано материалов, заменяющих огнеупорные материалы, в том числе огнеупорные кирпичи, изготовленные на основе многокомпонентных соединений, кроме этого, учитывая традиционное строительство стен металлургических печей, внедрение данной технологии является одной из важнейших задач. В связи с этим научные центры развитых стран, в том числе России, США, Японии, Германии, Австралии, Канады, Китая, Турции и других стран, уделяют особое внимание защите огнеупорных материалов, используемых в металлоплавильных печах, от разрушения и повышению их эксплуатационной пригодности.

Во всем мире наряду с созданием новых видов огнеупорных кирпичей, применяемых в цветной металлургии, проводится ряд научно-исследовательских работ, направленных по защите их от разрушения. В этом направлении, важное значение имеет защитить огнеупорные материалы от воздействия расплавов, образованных при высокой температуре, обогащение их состава дополнительными компонентами, ускорить работу системы водоохлаждения между стенками печи и защитить часть огнеупоров, непосредственно контактирующие с расплавом специальным слоем. Поэтому необходима разработка технологий по защите огнеупорных кирпичей плавильных печей цветной металлургии от разрушения под воздействием агрессивной среды.

В нашей республике принимаются меры по повышению производительности предприятий цветной металлургии за счет расширения производства импортозамещающих огнеупорных кирпичей для металлургических печей, предотвращению разрушения огнеупорных материалов, используемых в печах. В Постановлении Президента Республики Узбекистан от 24 июня 2021 года ПП № 5159 «О дополнительных мерах по развитию горно-металлургической промышленности и смежных отраслей», в том числе «...от сырья к готовой продукции» были определены задачи по созданию многоуровневых цепочек с добавленной стоимостью как драйвера экономики, направленные на организацию научно-технологического кластера по производству медной продукции и готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, горно-металлургические машины, техника, оборудования, инструменты, глубокой переработки сырья, расширения и освоения производства новых видов химической продукции, развития сферы услуг на основе кооперации и аутсорсинга с местными специализированными организациями необходимые

для медного отраслевого кластера»<sup>1</sup>. Одной из важных задач является реализация этих задач, в том числе внедрение технологии защиты огнеупорных материалов плавильных печей цветной металлургии от истирания.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит решением задач Постановления Президента Республики Узбекистан от 24 июня 2021 года ПП-5159 «О дополнительных мерах по развитию горно-металлургической промышленности и смежных отраслей», Постановления Президента Республики Узбекистан № ПК-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности горнодобывающих и металлургических предприятий», № ПК-3682 от 27 апреля 2018 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследований основным приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике: II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение»

